



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ХАРАЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ, ЁНДАШУВЛАР ВА НАЗАРИЯЛАР

**Валиев Шамсиддин Эшпулатович**

*Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти молия ва маъмурият ишлари бўйича катта менежер.*

*Тошкент, Ўзбекистон. [shvaliev@mdis.uz](mailto:shvaliev@mdis.uz)*

*DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss4/a6](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a6)*

### **Аннотация**

Ушбу мақолада харажатларга умумиқтисодий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларида харажатларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Айнан олий таълимни молиялаштиришда харажатларни чуқур таҳлил қилиш ва уларга тегишли ёндашув ва қарашларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу таҳлилларнинг хулосаларига асосланган ҳолда олий таълимни тўғри ва самарали молиялаштириш, талабалар ўқиши учун шартнома қийматларини белгилаш, талабаларга ва олий таълим муассасаларига кўмак дастурларини ишлаб чиқиш кўзланган натижани бериши мумкин. Мақолада олий таълим муассасалари харажатларининг умумий назарий ва хусусий жиҳатлари ҳамда жаҳон ва Ўзбекистондаги олий таълим соҳасига тегишли хусусиятлари очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим муассасалари харажатлари, олий таълимда иқтисодий самарадорлик, олий таълимда иқтисодий самарадорлик турғунлиги, олий таълимда “харажатлар хасталиги” муаммоси, олий таълимни молиялаштириш хусусиятлари.

### **Аннотация**

В данной статье освещаются специфические аспекты издержек в высших учебных заведениях с учетом общеэкономических подходов к затратам. Именно в финансировании высшего образования глубокий анализ расходов и изучение соответствующих подходов и взглядов на них имеют первостепенное значение. Потому что на основе результатов этих анализов правильное и эффективное финансирование высшего образования, установление договорных стоимостей для обучения студентов, разработка программ поддержки студентов и высших учебных заведений могут дать желаемый результат. В статье раскрываются общетеоретические и частные аспекты расходов высших учебных заведений, а также особенности сферы высшего образования в мире и Узбекистане.

**Ключевые слова:** издержки высших учебных заведений, экономическая эффективность в высшем образовании, стагнация экономической эффективности в высшем образовании, проблема “болезнь издержек” в высшем образовании, особенности финансирования высшего образования.

### **Abstract**

The primary purpose of this article is to present the specific aspects of funding in higher education institutions, specifically general economic approaches to the costs. Some important open issues and further research directions of funding in higher education institutions impacts to in-depth analysis of costs. The study of relevant approaches and views are important on a principal level.

Consequently, precise and efficient analysis of financing of higher education costs such as tuition, development of support programs for students and institutional expansions may give the desired result. To deeply discuss this issue, this article begins with a brief introduction of theoretical models, followed by the discussions of practical cases both locally in Uzbekistan and globally worldwide.

**Key words:** costs of higher education institutions, economic efficiency in higher education, stagnation of economic efficiency in higher education, the problem of "cost disease" in higher education, features of financing higher education.

## **Кириш**

Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларини молиялаштиришда бутун дунё мамлакатларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Олий таълим қамровининг кескин ошиши ва глобаллашув шароитида олий таълим муассасаларининг ушбу муҳитга мослашиши талаб этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам ушбу жараёнлар юз бермоқда ва олий таълим соҳасидаги ислохотларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш, нодавлат олий таълим муассасаларининг ўрнини ошириш орқали мамлакатда мутахассислар тайёрлаш молиявий юкини қайта тақсимлаш сиёсати ва олий таълим муассасалари ҳамда талабаларга нисбатан солиқ ва молиявий кўмак дастурларининг изчил ислох қилиниши каби ҳолатлар фикримизни тасдиқлайди. Мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва олий таълимга бўлган талабни самарали қондириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда олий таълимни тўғри ва самарали молиялаштириш, жараён иштирокчиларининг манфаатларини тўлиқ ифодаладиган тизимни шакллантириш ҳамда олий таълим муассасаларининг барқарор молиявий ва иқтисодий фаолиятини таъминловчи механизмларни жорий этиш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда олий таълим молияси соҳасида икки жиҳатни алоҳида таъкидлаш жуда муҳим. *Биринчи йўналиш* шуки, олий таълим муассасаларининг харажатлари юқори суръатларда ошиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич мутлақ ва битта талабага тўғри келувчи харажатлар миқдорида ҳам тез суръатларда ошиши кузатилмоқда. *Иккинчи йўналиш* эса, ушбу харажатларни молиялаштиришда доминант ролни ўйнавчи давлат молияси орқали молиялаштириш манбалари орқали молиялаштириш миқдорлари пасайиб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда давлатлар бюджетидagi олий таълим учун йўналтириладиган маблағлар улуши пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Олий таълим муассасалари учун харажатларнинг ошиши ва тушумларнинг камайиши тенденциясини қўйидаги омиллар билан тушунтириш мумкин бўлади [1]:

**Биринчидан**, бутун дунёда битта талабага тўғри келувчи харажатлар кўрсаткичи ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу кўпгина давлатларда инфляция темпидан юқори бўлиб, олий таълим харажатларининг хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир.

**Иккинчидан**, дунёнинг кўпгина давлатларида, хусусан ривожланаётган мамлакатларида олий таълим билан қамров даражаси кескин ошиб бормоқда. Бу олий таълим олиш истагида ёш гуруҳлари сонининг ошиши ва қамров даражасининг ошиши билан изоҳланади. Жумладан, Ўзбекистон учун ҳам ушбу жиҳат хослигини таъкидлашимиз мумкин.

**Учинчидан**, кўпгина олий таълим муассасалари тушумларининг давлат бюджети маблағларига боғланганлик даражаси ва ушбу тушумлар нобарқарор тус олаётганлиги.

Уларнинг қисқараётганлиги ва олий таълим харажатларининг ошиш суръатига мутаносиб эмаслиги.

Айнан юқоридаги жиҳатлар тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди ва ушбу тадқиқот ишида олий таълим муассасаларининг барқарор молиялаштирилиши учун ўрганилиши лозим энг муҳим иқтисодий категория бўлган харажатларни таҳлил этишга эътибор қаратилган.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодиётдаги харажатлар тушунчаси борасида шаклланган қарашлар замирида олий таълим харажатларини ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмидан кенг ривожланиб борди. Олий таълим харажатлари борасида олиб борилган изланишларда қўйилган тадқиқот саволлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олганлигини кўришимиз мумкин:

✓ Олий таълим харажатлари нима учун бошқа соҳаларда харажатлар ўсиш суръатига нисбатан тезроқ ўсади [2]?

✓ Олий таълим муассасаларида иқтисодий миқёс ва хилма-хиллик самараси қандай ишлайди [3], [4], [5]?

✓ Олий таълим харажатларини молиялаштиришда “харажатларни тақсимлаш” амалиёти: олий таълим учун ким, қанча тўлаши керак [6], [7], [18]?

Юқоридаги тадқиқот саволлари асносида бир қанча фикрлар, назариялар ва қарашлар шаклланган. 1966 йилда У.Баумол ва У.Боуэнлар [8] томонидан санъат ва маданият ташкилотлари иқтисодий хусусиятлари борасида тадқиқот натижалари эълон қилинди. Улар яқка хизмат кўрсатишга асосланган тармоқлар иқтисодий самарадорлиги борасида юз бериши мумкин бўлган ўзгармас хусусият, турғунликка эътибор қаратишди. Тадқиқотга кўра Бетховеннинг торли квартет ижроси учун XIX асрда тўрт киши талаб этилган бўлса, XX асрда ҳам худди шунча ижрочи талаб этилади. Ваҳоланки, ушбу даврда ушбу ижрочиларнинг иш ҳақлари бошқа иқтисодиёт тармоқларидаги ишчилар каби реал миқдорларда ошишда давом этган. Бошқача қилиб айтганда меҳнат унумдорлиги ўзгармаган ҳолда иш ҳақлари ошиши кузатилади ва ушбу ташкилотларда иқтисодий самарадорлик тушунчасини йўққа чиқаради. Масаланинг қизиқ жиҳати шундаки, ушбу санъат асарини ижро этиш учун ижрочилар сонини учта ёки иккита қилиш имконсиз. Бу ижронинг амалга ошишига имкон бермайди. Бу ушбу соҳанинг аосий технологик хусусияти. Ушбу хусусият меҳнат унумдорлиги ошмаган ҳолда реал иш ҳақлари ошадиган яқка хизматлар кўрсатиш технологиясига асосланган яна бир қанча тармоқлар учун ҳам хослиги илмий исботланди. Хусусан, таълим соҳаси, давлат хизматлари, юридик хизматлар ва тиббиёт хизматлари соҳаларида ҳам ушбу хусусият борлиги кузатилди. Ушбу соҳаларнинг харажатлари хусусиятларида янги “харажатлар хасталиги” муаммоси ибораси қўлланила бошланди. Ушбу хулосага кўра бошқа тармоқлардаги реал иш ҳақлари ошишига мутаносиб равишда меҳнат унумдорлиги ошмаган ҳолда иш ҳақларининг ошиб бориш самараси мавжуд тармоқлар, соҳалар ва иқтисодий субъектлар “харажатлар хасталиги” ташхиси билан ўрганиладиган бўлди. Ушбу хусусиятлар олий таълим муассасалари учун ҳам ўринли эканлиги XX асрнинг иккинчи ярмида кўпгина тадқиқотлар билан исботланди. 1960 йилларда У.Боуэн АҚШнинг энг йирик учта хусусий университетлари кесимида сўнги олтмиш йил ичидаги харажатларни таҳлил қилган ҳолда уларда “харажатлар хасталиги” бўлганлигини илмий исботлади [10]. И.В.

Абанкина, Т.В. Абанкина, П.В. Деркачевлар томонидан 2000-2012 йиллар учун Россия Федерацияси олий таълим муассасалари учун ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ҳам ушбу даврда “харажатлар хасталиги” муаммоси бўлганлиги ўз тасдиғини топган [11].

Айнан олий таълим муассасаларининг харажатларининг тез суръатларда ошиши асосида “харажатлар хасталиги”дан бошқа омиллар ҳам борми деган саволга Р. Арчибалд ва Д.Фелдманлар жавоб топишга ҳаракат қилишган [2]. Уларнинг хулосасига кўра қуйидаги тўртта омил олий таълим харажатларининг тез суръатларда ошишига кучли таъсир кўрсатиши мумкин:

а) олий таълим персонал хизмат кўрсатишга асосланган тармоқ ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ишчи кучи-меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини чекловчи энг муҳим омил ҳисобланади;

б) олий таълим юқори малакали ишчи кучини талаб этувчи тармоқ. Ушбу талаб олий таълимдаги асосий ишчи кучининг илмий салоҳиятига қўйилган талаб билан изоҳланади;

в) олий таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги янги технологияларнинг жорий қилиниши янада юқорида малакага эга ишчи кучини талаб этади;

г) юқори технологиялардан фойдаланиш ва капитал сиғимини пасайтириш ушбу соҳада таннархни пасайтириш эмас сифатни кўтариш учун талаб этилади.

Шунингдек олий таълим харажатларининг ошишида Ҳ.Боуэннинг даромадлар назарияси ҳам муҳим ўрин тутди [14]. Ушбу назарияга кўра олий таълим муассасалари даромадлари қанчалик ошса, уларда ушбу маблағларни сарфлашга рағбат шунча кучаяди. Бу эса меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда уларнинг харажатлари ортишига олиб келади. Ҳ.Боуэннинг фикрича олий таълим муассасалари унумдорлик эмас балки, сифат ва рақобат масаласини бирламчи мақсад сифатида қўйганлигидан ушбу ҳолат юз беради.

Битта талабага тўғри келувчи харажатларнинг назорат қилиниши орқали иқтисодий миқёс ва хилма-хиллик самараси натижасида олий таълим муассасалари сарфларини оптималлаштириш борасида ҳам бир нечта тадқиқотлар ўтказилган. Р.Кошал ва М.Кошаллар томонидан АҚШнинг 158 та хусусий ҳамда 171 та давлат университетларида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра олий таълим муассасаларида гуруҳдаги талабалар сони ва университет талабалари сонини оптималлаштириш ҳисобига иқтисодий миқёс ва хилма-хиллик самарасига эришиш мумкинлиги исботланган [3].

П.Деркачев (ва бошқалар) дунёнинг турли давлатларида олий таълим муассасаларида иқтисодий миқёс ва хилма-хиллик самарасига эришиш истиқболларини таҳлил қилишган [5]. Ушбу тадқиқотга кўра бутун дунёда олий таълимда янги таълим шакллариининг пайдо бўлиши (онлайн, масофавий, блендед ва ҳаказо) иқтисодий миқёс самарасини ошириши ва битта талабага харажатлар миқдорини тушириши мумкин.

Олий таълим харажатларининг молиялаштирилишида иштирок этиши мумкин бўлган томонлар (талаба, унинг оиласи, корхоналар, ҳомийлар ва давлат) ўртасида молия юкини тақсимлаш назарияси ҳам оммалашган [6], [7], [12]. Ушбу назарияга кўра олий таълим хизматлари харажатларини давлат ва талабалар, шунингдек ҳомий ва филантроплар ўртасида тақсимлашга асосланади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларини молиялаштириш ва уларда харажатларни ўрганиш борасида М.Х.Саидов [15], Д.Д.Рустамова [9], А.Б.Шеров [16] ва А.Маҳмудов [17] кабилар изланишлар олиб боришган. Ушбу тадқиқотларда АҚШ тажрибаси билан қиёсий таҳлил, харажатларни молиялаштиришда давлат молияси дастакларининг ишлаши ва олий таълим молияси борасида фикрлар билдирилган.


#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотда ишида қўйидаги методлардан фойдаланилган:

- Таҳлилий услуб (анализ ва синтез);
- Адабиётлар шарҳи орқали назарий ва концептуал таҳлил;
- Асосий омиллар (индикаторлар)ни баҳолаш;
- Қиёсий баҳолаш (фоизларда);
- Статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда вақт қаторлари, кўрсаткичлар

динамикаси ва истиқболлари тўғрисида хулосалар олиш.

Тадқиқот ишига қўйилган мақсад, олий таълим муассасалари харажатлари борасида мавжуд назарий ва таҳлилий маълумотларга таянган ҳолда уларнинг Ўзбекистон олий таълим соҳасида ҳам ўринли ёки ўринли эмаслиги борасида хулоса олиш.



**1-расм. Тадқиқот ишининг босқичлари<sup>1</sup>**

Тадқиқот ишида эмпирик натижаларни таҳлил қилишда дедуктив ва индуктив усуллардан ва умумийдан хосга ва хосдан умумийга йўналган хулосалар олиш усуллари ҳам мурожаат қилинган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайти [19], Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари [20] ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси [21] маълумотларидан фойдаланилган.

#### **Таҳлиллар ва натижалар**

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили жараёнида биз олий таълим муассасалари харажатларига тегишли бир қанча тушунчаларни изоҳладик. Хусусан, олий таълим муассасаларида харажатларнинг тез ўсиши, меҳнат унумдорлигининг турғунлиги, соҳанинг технологик хусусиятлари, олий таълимда “харажатлар хасталиги” муаммоси каби тушунчалар борасида олиб борилган тадқиқотларни келтириб ўтдик.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълимдаги меҳнат унумдорлиги ва харажатларнинг хусусиятларини асослаш борасидаги фикримизни қўйидаги фаразий (гепотетик) мисолни таҳлил қилиш орқали изоҳлашга ҳаракат қиламиз (1-жадвал). Ушбу таҳлил орқали фикримизни кенгроқ баён қилишга уриниб кўрамиз. Биз олий таълим хизматларини кўрсатувчи муассаса (ОТМ) ва саноатда истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхона ўртасида қиёсий таҳлил қилишимиз мумкин.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ОТМларда битта ўқитувчи томонидан талабаларга хизмат кўрсатиш сифатида тушунилса, саноат корхонаси учун бир ишчига тўғри келувчи ўртача маҳсулот миқдори сифатида қаралиши мумкин ва мос равишда улардаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ифодалайди.

1- жадвалга кўра, биринчи йилда ОТМ ва саноат корхонаси ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мос равишда 3200 та талаба ва 10 минг маҳсулот бирлиги бўлган бўлсин. ОТМда 200 нафар ўқитувчилар ва саноат корхонасида 500 ишчи фаолият юритаётган деб ҳисоблайлик. Ушбу ҳолатда меҳнат унумдорлиги ОТМ учун 16 талаба ва саноат корхонаси учун 20 маҳсулот бирлигига тенг бўлади. Ушбу ҳолатда ОТМ ўқитувчилар ва талаба нисбати кўрсаткичини қонунчиликка мос равишда таъминлаган<sup>2</sup> ва саноат корхонаси ўртача капиталлашув даражасига эга деб ҳисоблайлик.

**1-жадвал**

**Олий таълим муассасаси ва саноат корхонаси учун ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари<sup>3</sup>**

	<b>ОТМ учун</b>	<b>Саноат корхонаси учун</b>
<b>Биринчи йилда</b>		
Жами талаба сони ва ишлаб чиқариш кўрсаткичи	3200 та талаба	10 000 бирлик
Жами ўқитувчи ва ишчилар сони	200 ўқитувчи	500 ишчи
Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи	1:16	1:20
<b>Иккинчи йилда</b>		
Жами талаба сони ва ишлаб чиқариш кўрсаткичи	3840 та талаба	12 000 бирлик
Жами ўқитувчи ва ишчилар сони	240 ўқитувчи	500 ишчи
Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи	1:16	1:24

Иккинчи йилда ОТМ талабалар сонини 20 фоизга оширишга қарор қилди ва жами талаба сонини 3840 тага етказди. Саноат корхонаси ҳам ишлаб чиқариш кўрсаткичларини 20 фоизга оширишга қарор қилди. Айнан ушбу ҳолат юз берганда қўйидаги ҳолатлар юзага келиши мумкин:

1. ОТМ талабалар сонини 20 фоизга оширган ҳолда ўқитувчилар сонини ҳам 20 фоизга оширишга мажбур бўлади. Чунки ўқитувчи-талаба нисбатини ўзгартиришнинг имкони мавжуд эмас. Айнан шу тўғрисида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ўзгаришсиз қолади<sup>4</sup>.

2. Саноат корхонаси мисолида бизнингча ушбу ҳолат юз бериш аҳтимоли бўлади:  
а) агар саноат корхонаси юқори капиталлашув натижасида 20 фоиз ишлаб чиқариш кўрсаткичларида ўсишга эришса, корхонанинг меҳнат унумдорлиги 20 фоизга ошади. Яъни меҳнат унумдорлиги 12 минг маҳсулот бирлигига эришиш орқали 24 маҳсулот

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022 йилдаги 80-сон қарорига асосан нодавлат олий таълим ташкилотлари учун таълим олувчилар сонига тўғри келадиган ўқитувчилар штат бирликлари ҳар 12-16 нафар таълим олувчига 1 штат бирлиги деб белгиланган.

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>4</sup> Биз олий таълим муассасасидаги меҳнат унумдорлиги деганда айнан иқтисодий жиҳатдан битта ўқитувчига тўғри келадиган талаба кўрсаткичини тушунаемиз. Талабаларнинг ўзлаштириши, уларнинг дипломлар олиш кўрсаткичи ёки уларнинг иш билан таъминланиш кўрсаткичи каби тушунчалардан фарқли равишда соф иқтисодий меҳнат унумдорлиги категориясини назарда тутамиз.

бирлигига етади. б) агар ўртача капиталлашув даражасини сақлаб қолган ҳолда қўшимча 100 та ишчи олиш орқали 20 фоиз ишлаб чиқариш кўрсаткичи ўсиши таъминланса, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи 600 та ишчи учун 20 бирлик миқдорда ўзгаришсиз қолади. в) агар саноат корхонаси қисман капиталлашув даражасини яхшилаш ва қисман қўшимча ишчи кучи жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш кўрсаткичларини 20 фоизга оширса, мос равишда капиталлашувнинг суръатига қараб албатта меҳнат унумдорлигини оширишига эришиши мумкин.

Энди иккала субъект ўртасида қилинган таҳлил асосида айрим хулосаларни қилишимиз мумкин бўлади.

**Биринчидан**, иккинчи йилда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ўзгариши борасида ОТМда турғунлик бўлганлиги кузатилди. Бу эса ўқитувчи бирлигига талаба кўрсаткичининг ошмаслиги билан характерланади.

**Иккинчидан**, саноат корхонасида капиталлашув даражасини яхшилаш, автоматлаштириш каби омиллар ҳисобига меҳнат унумдорлигига таъсир этиш механизмалари борлигини хулоса қилишимиз мумкин.

**Учинчидан**, саноат корхонасида капиталлашув ҳисобига меҳнат унумдорлиги ошиши орқали реал иш ҳақларини ошириш имконияти яхши таъминланган. Агар корхона капиталлашув ёхуд автоматлаштириш усуллари орқали 20 фоизга меҳнат унумдорлигини оширса, ишчилар учун иш ҳақларини ҳам оширишнинг иқтисодий манбаси пайдо бўлади. Ваҳоланки, ОТМ учун меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг ошириш орқали иш ҳақларини оширишнинг бундай имконияти чекланган. Айнан мана шу нарса ОТМнинг технологик хусусиятидир. Яъни ўқитувчи бирлигига тўғри келувчи талаба кўрсаткичининг ошириш имконияти чегараланган.

**Тўртинчидан**, агар ОТМ ўқитувчилар учун иш ҳақларини оширишга қарор қилса, унда меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлмаган манбалар ҳисобига бу ишни амалга ошириши мумкин. Булар ўқиш шартнома нархларини ошириш, ҳомийлар жалб қилиш ёки давлат дотацияларига мурожаат қилиш каби манбалар ҳисобига юз бериши мумкин.

Таҳлиллар асосида ОТМларда меҳнат унумдорлиги турғунлиги, талаба сони ва ўқитувчи сонининг динамикаси ва иш ҳақлари динамикаси кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари учун ўрганишга ҳаракат қиламиз. 2-жадвалда Ўзбекистонда 2009/2010 ва 2020/2021 ўқув йиллари давомида жами ўқитувчилар сони, жами кундүзги таълим шакли эквивалентидаги талабалар сони<sup>5</sup> ҳамда ҳар битта ўқитувчига тўғри келувчи талаба сони ўзгариш динамикаси келтирилган.

Жадвалга кўра жами талабалар сонининг ўсиши билан ўқитувчилар сони ҳам ошаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ердаги динамикадан хулоса қилишимиз мумкинки, талабалар сони ошиши ва ўқитувчилар сони ошиши ўртасида кучли миқдорий боғлиқлик мавжуд. Статистик таҳлил натижасида кўришимиз мумкинки, жами ўқитувчилар сони ҳамда жами кундүзги таълим шакли эквивалентидаги талабалар сони ўртасидаги корреляция коэффициенти 0.96 га тенг. Ушбу статистик

<sup>5</sup> 2010 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 67-сонли қарорига кўра кундүзги таълим шакли эквивалентидаги талабалар учун сиртқи таълим талабалари учун 0,1 коэффициенти қўлланилади.

кўрсаткичнинг ўзи кучли корреляцион боғлиқ борлигини ва талабалар сонининг ошиши ўқитувчилар сонининг ошишига олиб келишини исботламоқда. Албатта бу ерда қонунчилик асосида ўрнатилган талаблар ва ОТМларнинг мажбуриятлари ҳам муҳим ўрин тутди. Яъни ўқитувчи/талаба кўрсаткичини ёмонлаштириш орқали сунъий унумдорликка эришиш ёки молиявий муаммоларни ҳал этишни ўйлаш ОТМлардаги сифат мутаносиблиги ва носоғлом муҳитнинг пайдо бўлиш рискинни юзага келтириши мумкин.

Бошқа томондан эса таълим сифатини назорат қилувчи ваколатли органлар ва ОТМлар ўртасидаги рақобат муҳити, ҳамда иш берувчиларнинг кадрлар тайёрлашга бўлган талаблари босимида бу нарсанинг имконияти деярли мавжуд эмас.


Ушбу даврда ҳар бир ўқитувчига тўғри келувчи талаба кўрсаткичи ўртача 12-14 та бўлганлигини кўришимиз мумкин.

## 2-жавдал

### Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида 2009/2010 ва 2020/2021 ўқув йиллари давомида жами ўқитувчилар сони, жами кундузги таълим шакли эквивалентидаги талабалар сони ҳамда ҳар битта ўқитувчига тўғри келувчи талаба сони ўзгариш динамикаси<sup>6</sup>

Кўрсаткичлар	2009/ 2010	2010/ 2011	2011/ 2012	2012/ 2013	2013/ 2014	2014/ 2015	2015/ 2016	2016/ 2017	2017/ 2018	2018/ 2019	2019/ 2020	2020/ 2021
Жами ўқитувчилар сони	23081	23021	22394	22769	23148	23532	24909	23961	25107	26664	30559	32070
Жами КТШЭ даги талабалар сони*	273330	269280	252730	258030	258940	261030	263940	267940	288520	317900	369285	456585
Ҳар битта ўқитувчига тўғри келувчи талаба сони	12	12	11	11	11	11	11	11	11	12	12	14

2-расм маълумотларига кўра 2009/2010 ва 2020/2021 ўқув йиллари давомида Ўзбекистонда жами талабалар ва ўқитувчилар сони ўзгариш динамикаси кўрсатилган. Айнан 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб талабалар сонининг кескин ўсиши фонида ўқитувчилар сонининг ҳам ошиб борганлигини кўришимиз мумкин.



**2-расм. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида 2009/2010 ва 2020/2021 йиллар давомида жами талабалар ва жами ўқитувчилар сони ўзгариш динамикаси<sup>7</sup>**

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

<sup>7</sup> Ҳа ерда

Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида 2009/2010 ва 2020/2021 ўқув йиллари давомида ҳар битта ўқитувчига тўғри келувчи талаба сони ўзгариш динамикасига қарайдиган бўлсак, 2020/2021 ўқув йилига қадар ушбу кўрсаткич 11-12 та атрофида бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Фақатгина 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ушбу кўрсаткич 14 тагача кўтарилганлигини кўришимиз мумкин (3-чизма). Демак, иқтисодий нуқтаи назардан Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида меҳнат унумдорлиги бўйича турғунлик тушунчаси ушбу таҳлил асосида баҳоланиши мумкин. Яъни олий таълим муассасалари талабалар сони ошиши билан ўқитувчилар сонини ҳам мувофиқлаштириши ва ўқитувчи/талаба кўрсаткичларини ўрнатилган нормативларини таъминлаши зарур бўлади. Аммо ушбу таҳлиллар масаланинг миқдорий томонини акс эттиради. Масаланинг молиявий ва иш ҳақи билан боғлиқ харажатларга боғлиқ томони ҳам мавжуд.



**3-расм. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида 2009/2010 ва 2020/2021 ўқув йиллари давомида ҳар битта ўқитувчига тўғри келувчи талаба сони ўзгариш динамикаси<sup>8</sup>**

Табиийки ушбу ҳолатда асосли савол туғилади. Яъни қандай қилиб меҳнат унумдорлиги турғун бўлган муассасаларда реал иш ҳақларини таъминлаш мумкин? Чунки муассасада реал иш ҳақлари барқарорлиги таъминланмаса қуйидаги оқибатлар юзага келиши мумкин:

1. Тармоқда кадрлар қўнимсизлиги ошиши мумкин. Бунинг натижасида ўқув жараёнлари ва таълим бериш сифати хавф остида қолиши мумкин.

2. Олий таълим учун одатда юқори тажрибали, илмий салоҳиятга эга ва профессионал кадрлар талаб этилади. Бундай кадрлар учун рақобат натижасида бошқа реал иш ҳақлари таъминланган тармоқлар олий таълимнинг кадрлар заҳирасини ўзига жалб этиш орқали тармоқдан кадрлар “кўчиши” юзага келиши мумкин.

Реал иш ҳақларини ошириш манбасини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасасининг бошқа харажатларининг кескин камайтирилиши (иқтисод қилиниши) юз бериши мумкин. Бу эса таълим жараёнига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

2016-2017 йиллардан бошлаб мамлакатимизда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча қарорлар қабул

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.  
<https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>


қилинган. Улар натижасида босқичма-босқич профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақларини ошириш ва уларни моддий қўллаб-қувватлаш чоралари ишлаб чиқилди.

**3-жадвал**

**2016-2020 йиллар давомида Ўзбекистон давлат олий таълим муассасаларида асосий профессор-ўқитувчилар иш ҳақларининг ўзгариши (минг сўмда)<sup>9</sup>**

Лавозимлар	01.09.2016 ҳолатига	01.09.2017 ҳолатига	01.09.2018 ҳолатига	01.09.2019 ҳолатига	01.09.2020 ҳолатига
Ассистент	1493	1717	2410	4374	4680
Катта ўқитувчи	1662	1911	2730	4955	5302
Доцент	1748	2011	3130	5681	6079
Профессор	1894	2178	3700	6716	7186

3-жадвалда 2016-2020 йиллар давомида Ўзбекистон давлат олий таълим муассасаларида асосий профессор-ўқитувчилар иш ҳақларининг ўзгариши кўрсатилган. Унга кўра ушбу даврда ассистентларнинг иш ҳақлари 3.1 баробар, катта ўқитувчиларнинг иш ҳақлари 3.2 баробарга, доцентларнинг иш ҳақлари 3.5 баробарга ва профессорларнинг иш ҳақлари 3.8 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин (4-чизма). Ваҳоланки ушбу ўзгариш ушбу давр учун эълон қилинган истеъмол нархлари индексидан<sup>10</sup> икки баробарга кўпдир (ИНИ 165.6 %га тенг бўлган).



**4-расм. Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда давлат олий таълим муассасаларида асосий профессор-ўқитувчилар иш ҳақларининг 2016 йилга нисбатан номинал ошиш динамикаси (фоизда)<sup>11</sup>**

Албатта ушбу кўрсаткичлар олий таълим муассасаларида меҳнат унумдорлиги турғунлиги фонида харажатларнинг ошишига олиб келади. Бироқ бу бутун дунёда

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. <https://edu.uz/uz/pages/sss>

<sup>10</sup> [http://web.stat.uz/cpi\\_calc/index.php?lang=ru](http://web.stat.uz/cpi_calc/index.php?lang=ru)

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси. <https://edu.uz/uz/pages/sss>

кузатиладиган нормал ҳолат бўлиб, тармоқнинг ўзига хос хусусиятини ифодалайди. Чунки агар реал иш ҳақлари таъминланмаса соҳада кадрлар қўнимсизлигини олдини олиш имконияти бўлмайди.

Бошқа томондан эса жамиятда ўқитувчининг том маънода ҳақиқий мақомини таъминлаш унга бошқа соҳалардаги мутахассисларга тўланадиган миқдорлардан кам бўлмаган барқарор иш ҳақларининг таъминланганлиги билан ҳам белгиланиши керак. Зеро, соҳада юқори малакали ва энг иқтидорли кадрларни сақлаб туриш омили бевосита таълимнинг муваффақиятини белгиловчи энг асосий омилдир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Таҳлиллар натижасида олий таълим муассасалари харажатларига хос бўлган бир қанча хусусиятларни тушунтиришга ҳаракат қилдик. Олий таълим соҳаси ўзига хос хизмат кўрсатиш тармоғи бўлиб, технологик хусусиятига кўра якка шахснинг бир вақтнинг ўзида таълим бериши ва юзма-юз ҳолатда жараёни ташкил этишни тақозо этадиган фаолият тури ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқариш ва истеъмол бир вақтнинг ўзида юз беради. Яъни таълим бериш жараёнининг технологик хусусияти буни талаб этади. Бу эса хизмат кўрсатувчи ва олувчи ўртасида миқдорий чегара, норма ўрнатилиши (битта ўқитувчига маълум мидордаги талаба кўрсаткичи) билан тартибга солиниши зарур. Чунки шундай бўлмаса бу таълим бериш жараёнининг амалга ошмаслиги ёки етарли даражада амалга ошмаслигига олиб келиши мумкин. Айнан мана шу хусусиятлар соҳанинг ўзига хос хусусияти бўлиб, иқтисодий жиҳатдан меҳнат унумдорлиги тушунчасини сўроқ остида қолдиради. Ушбу турғунлик (стагнантлик) реал иш ҳақларини меҳнат унумдорлиги билан уйғунлаштириш имкониятини йўққа чиқаради. Олий таълим харажатлари таркибида иш ҳақи харажатлари энг асосий компонент ҳисобланиши ва соҳага энг салоҳиятли, тажрибали малакага эга кадрлар талаб этилиши ҳисобга олинса олий таълим муассасаларининг ушбу харажатларини молиялаштиришни тўғри йўлга қўйиш энг муҳим масала сифатида намоён бўлади. Бу ерда соҳада фаолият юритаётган кадрларнинг иш ҳақларини бошқа тармоқлар иш ҳақларидан кам бўлмаган миқдорларда таъминлаш муаммоси пайдо бўлади.

Мамлакатимизда 2016-2017 йиллардан сўнг олий таълим муассасаларига давлат молияси ва табақалаштирилган шартномалардан тушумлар манбаларини фаол жалб этиш орқали ўқитувчи/талаба кўрсаткичларини 11-14 тага бўлгани ҳолда профессор-ўқитувчилар иш ҳақларини 3.1 дан 3.8 баробаргача оширишга эришилган.

Соҳада харажатларни тизимли ва барқарор таъминланиши йўлида қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар ва амалий чора-тадбирлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

**Биринчидан**, олий таълим муассасаларининг автономлигини таъминлаш чоралари якунига етказилиши зарур. Бу орқали олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини бошқариш, самарали ишлатиш ва маъсулият ошишига эришилади. Бу орқали уларнинг тўлақонли фаолияти таъминланишига эришилади.

**Иккинчидан**, олий таълимга эга мутахассисларнинг келажакда ишчи кучи бозорида даромадларини ошиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат асосида мутаносиб ўқиш нархлари ўрнатиш амалиётига ўтиш зарур. Албатта ушбу йўналишда бир қанча илмий тадқиқотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

**Учинчидан,** олий таълим муассасаларига ва талабаларга кўмак дастурларини самарали йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишларни тизимли равишда давом эттириш. Уларнинг самарадорлигини ошириш.

**Тўртинчидан,** бутун мамлакатда профессор-ўқитувчилар ва таълим соҳасида банд бўлган кадрларни қўллаб-қувватлаш чораларини янада кучайтириш. Бунинг учун қонуний ва ташкилий-иқтисодий асосларни янада мустаҳкамлаш зарурияти пайдо бўлади.

**Бешинчидан,** олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш мақсадида олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг самарали элементларини жорий этиш.

**Олтинчидан,** олий таълим муассасаларида рақамлаштириш жараёнларини самарали ташкил этиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Johnstone D. B., Marcucci P. N. Worldwide trends in higher education finance: Cost-sharing, student loans, and the support of academic research //Commissioned paper V. Lynn Meek and Dianne Davies. – 2007. – Т. 81. – С. 1-36.

2. Archibald R. B., Feldman D. H. Why do higher-education costs rise more rapidly than prices in general? //Change: The Magazine of Higher Learning. – 2008. – Т. 40. – №. 3. – С. 25-31.

3. Koshal R. K., Koshal M. Economies of scale and scope in higher education: a case of comprehensive universities //Economics of education review. – 1999. – Т. 18. – №. 2. – С. 269-277.

4. Cohn E., Rhine S. L. W., Santos M. C. Institutions of higher education as multi-product firms: Economies of scale and scope //The review of economics and statistics. – 1989. – С. 284-290.

5. Деркачев П. В., Зиньковский К. В., Кравченко И. А., Семенова К. А. «ЭКОНОМИКА МАСШТАБА» ИЛИ «ЭКОНОМИКА РАЗНООБРАЗИЯ»: НА ЧТО ОПИРАТЬСЯ ВУЗАМ В КОНКУРЕНТНОЙ БОРЬБЕ? // Университетское управление: практика и анализ. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ekonomika-masshtaba-ili-ekonomika-raznoobraziya-na-chto-opiratsya-vuzam-v-konkurentnoy-borbe> (дата обращения: 18.06.2022).

6. Johnstone D. B. Financing higher education: Cost-sharing in international perspective. – Brill, 2006.

7. Teixeira P. N. et al. (ed.). Cost-sharing and accessibility in higher education: A fairer deal? – Springer Science & Business Media, 2006. – Т. 14.

8. W.J. Baumol and W.G. Bowen Performing Arts. The Economic Dilemma. A study of Problems common to Theater, Opera, Music and Dance. New York, The Twentieth Century Fund, 1966, XVI p. 582 p.

9. Рустамова Д. Д. Ўзбекистонда олий таълим тизимини молиялаштириш масалалари //Современное образование (Узбекистан). 2014. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-oliy-talim-tizimini-moliyalashtirish-masalalari> (дата обращения: 18.06.2022).

10. Bowen W. G. The ‘cost disease’ in higher education: is technology the answer? //The Tanner Lectures Stanford University. – 2012.
11. Абанкина И. В., Абанкина Т. В., Деркачев П. В. Исследование " болезни издержек" в российском высшем образовании //Университетское управление: практика и анализ. – 2014. – №. 4-5 (92-93). – С. 52-65.
12. D. Bruce Johnstone and Pamela Marcucci. Financing Higher Education Worldwide: Who Pays? Who Should Pay? Baltimore: Johns Hopkins University Press, 2010. 322 pp.
13. Баумол У. Д. Анатомия дефицита //Отечественные записки. – 2005. – №. 4. – С. 25.
14. Bowen H. R. The Costs of Higher Education: How Much Do Colleges and Universities Spend per Student and How Much Should They Spend?. – 1980.
15. М.Х.Саидов. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: ўқув қўлланма/— Т.: «Тафаккур-Бўстони», 2011. 432 б.
16. Алишер Бакберганович Шеров ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АҚШ ТАЖРИБАСИ // Scientific progress. 2021. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-talim-muassasalarini-moliyalashtirishning-a-sh-tazhibasi> (дата обращения: 21.06.2022).
17. А.Маҳмудов, ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ. ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/14\\_A\\_Maxmudov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/14_A_Maxmudov.pdf)
18. Nicholas Barr, “Alternative Funding Resources for Higher Education” The Economic Journal, May, 1993, Vol. 103, No. 418 (May, 1993), pp. 718-728
19. [www.edu.uz](http://www.edu.uz);
20. [www.stat.uz](http://www.stat.uz);
21. [www.lex.uz](http://www.lex.uz);